



ИЖТИМОЙ СУГУРТА ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Beknazarov Zafarjon Ergashevich,

PhD, Тошкент молия институти

Суғурта ва пенсия иши кафедраси доценти,

Тошкент, Ўзбекистон, Email: beknazarov_zafarjon@tfi.uz

ORCID: 0000-0002-1379-6082

COMPOSITION OF SOCIAL INSURANCE COSTS AND GUIDELINES FOR EFFECTIVE USE

Beknazarov Zafarjon Ergashevich,

PhD, Associate Professor, Department of Insurance and Pension,

Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan.

Email: beknazarov_zafarjon@tfi.uz

ORCID: 0000-0002-1379-6082

JEL Classification: G2, G22

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизими молиявий таҳлили ўрганиб чиқилган. Ижтимоий суғуртанинг хар бир тури бўйича иқтисодий-статистик таҳлиллари, пенсия ва нафақаларнинг тайинлиши, тўланишини манзилли ҳамда мақсадли етказиш бўйича дастурий таъминотларнинг натижалари ўрганилган. Мамлакатимизда ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳамда кам таъминланган оилаларла бериладиган моддий ёрдамлар миқдорларини ўсиши, молиявий манбалари келтириб ўтилган.

Ижтимоий суғурта тизimini амалга ошириш учун албатта маълум даражада молиявий ресурслар зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун ижтимоий жамғармалар хар қандай иқтисодий механизмнинг ажралмас қисми бўлади. Маълумки, аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни муайян тартибда қайта тақсимлаш зарурати келиб чиқади. Бундай қайта тақсимлашнинг молиявий

воситаси ижтимоий жамғармалар орқали амал қилади. Ижтимоий жамғармалар эса, ўз навбатида, давлат ёки нодавлат шаклида бўлиши мумкин. Ижтимоий жамғармаларнинг шакллари ўртасидаги нисбат кўп омиларга, энг аввало, иқтисодий ривожланишнинг миллий моделига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий жамғармалар ҳам хар қандай пул маблағлари жамғармаси сингари молиявий муносабатлар тизимига киради ва муайян молиявий мазмунга эга бўлади. Айтиш жоизки, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида молиявий тизимни ижтимоий жамғармалар мажмуийсиз тавсифлаб бўлмайди, уларнинг аксарияти устувор йўналишларда муҳим ўрин тутуди. Бошқа томондан эса уларнинг ташиқил этилишидан асосий мақсад фойда олишдан иборат бўлмайди.

Бугунги кунда жаҳонда ижтимоий суғурта тизимининг турли моделларини ўзаро уйғунлаштириш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизimini молиялаштиришини самарали



ташқил этиши бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг имконият ва чекловлари ҳамда таъсир самарасини эътиборга олган ҳолда янада ривожлантириши, ишсизлик нафақасини тайинлаш тартибини аҳоли турмуши даражаси меъёрларини таъминлаш негизда такомиллаштириши, кўп даражали пенсия таъминотига ўтиши асосида пенсия таъминоти тизими барқарорлигини ошириши, пенсия ва ижтимоий фондлар фаолиятини мувофиқлаштириши, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиши тизимини ижтимоий кафолатларнинг максимал даражада таъминланишини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириши, пенсия дастурларини молиялаштиришининг суғурта механизминини илгор тажрибаларни татбиқ этиши асосида кучайтириши, хусусий пенсия фондларини ташқил этиши ва молиявий фаолиятининг барқарорлигини янги молиявий манбалар ва самарали дастакларни жорий этиши ҳисобига таъминлаш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши ва ижтимоий суғурта тизимини ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратил-моқда. Бу борада «пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиши», «мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиши ва уларни амалга ошириши бўйича барча ташқил қорамонларни ишлаб чиқиши», «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиши» каби муҳим қорамонлар ишлаб чиқилмоқда. Илмий тадқиқотларда ижтимоий суғурта тизими воситасида ҳомиладор ва бола

парваришидаги аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириши, меҳнатда майиб бўлганлар ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизларни ижтимоий ҳимояси бўйича молиявий муносабатларни такомиллаштириши ҳамда давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиши каби йўналишлар бўйича илмий изланишлар кўламини кенгайтириши ва ижтимоий суғурта тизимидаги мавжуд назарий ва амалий муаммоларни чуқур илмий тадқиқ этилиши долзарб аҳамият касб этади.

Abstract: *The financial analysis of the social insurance system in the Republic of Uzbekistan is studied in the article. Economic-statistical analyzes of each type of social insurance, the results of software for the appointment and payment of pensions and allowances have been studied. The increase in the number of recipients of social benefits and the amount of material assistance given to low-income families in our country, as well as their financial sources, were mentioned.*

The implementation of the social insurance system will definitely require a certain amount of financial resources. Therefore, social funds are an integral part of any economic mechanism. It is known that in order to protect the needy sections of the population, there is a need to redistribute income in a certain order. The financial means of such redistribution is through social funds. Social funds, in turn, can be state or non-state. The ratio between the forms of social savings depends on many factors, first of all, on the national model of economic development.

Social funds are included in the system of financial relations, like any fund, and have a specific financial content. It should be said that at the current stage of world development, the financial system cannot be characterized without a set of social funds, most of which occupy an

important place in priority directions. On the other hand, the main purpose of their organization will not be profit.

Today, on the basis of mutual harmonization of various models of the social insurance system, extensive scientific and research work is being carried out on the effective organization of the financing of the social protection system of the population. In particular, further development of voluntary and mandatory medical insurance taking into account the possibilities and limitations and the impact, improvement of the procedure for assigning unemployment benefits on the basis of ensuring the standard of living of the population, increasing the stability of the pension system based on the transition to multi-level pension provision, coordinating the activities of pension and social funds, It is an important study to further improve the system of social protection of the population, taking into account the maximum provision of social guarantees, to strengthen the insurance mechanism of financing pension programs based on the implementation of best practices, to establish private pension funds and to ensure the stability of their financial activities due to the introduction of new financial sources and effective levers is calculated from directions.

In recent years, special attention has been paid to social protection of the population and the development of the social insurance system in Uzbekistan. In this regard, "revision of the procedure for the appointment and payment of pensions and allowances, fundamental reform of the pension system", "the adoption of laws on compulsory health insurance and the development of all organizational measures for their implementation", the Law "On Social Insurance" important measures such as "development" are being developed. In scientific research, to strengthen the social

protection of pregnant and childcare women through the social insurance system, to improve financial relations for the social protection of the disabled and temporarily unable to work, and to introduce the state medical insurance system, to expand the scope of scientific research and the existing theoretical and practical work in the social insurance system in-depth scientific research of the problems is of urgent importance.

Калим сўзлар: Ижтимоий суғурта, пенсия ва нафақалар, ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, мажбурий тиббий суғурта, ишсизлик нафақаси, бир марталик бериладиган нафақалар, ижтимоий хизмат турлари, ижтимоий ҳимоя тизими.

Key words: Social insurance, pensions and benefits, social benefits, financial assistance to low-income families, compulsory health insurance, unemployment benefits, one-time benefits, types of social services, social protection system.

Кириш. Жаҳон тажрибасига кўра, ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институти, молия тизими ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг энг муҳим ижтимоий кафолати сифатида намоён бўлади. Ижтимоий суғурта тизими аҳолини муҳтожликда, кексаликда, меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганида ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим молиявий механизмидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг таркибидаги Болалар фонди (UNICEF), Жаҳон банки (WB), Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра, «дунё аҳолисининг

бор-йўғи 45 фоизи ижтимоий ҳимоя тизими доирасидаги пулли тўловларнинг камида битта тури билан таъминланган, деярли 4 миллиард инсонлар ижтимоий ҳимоя тизими билан камраб олинмаган»[1]. Таҳлил натижаларидан кўринадики, дунё аҳолисининг салмоқли қисми етарли даражада ижтимоий ҳимояланмаган, хусусан, «жами ишсизларнинг фақат 22 фоизи ишсизлик нафақасини, ногиронлиги бўлганларнинг атиги 28 фоизи ногиронлик нафақасини олади» [20]. Мазкур ҳолатлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш ва қамров даражасини кенгайтириб бориш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий суғурта тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жаҳонда бошланган пандемия шароити эса ижтимоий суғурта тизимини янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатиб берди. Ўзбекистонни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро ижтимоий таъминот стандартлари билан боғлиқ кўплаб асосий хусусиятларни ўз ичига олади: жумладан; ижтимоий ёрдам ва ижтимоий суғурта элементлари. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг мақбул усулларида бири бу ижтимоий суғурта тизимидир. Юртимизда аҳолини ижтимоий суғурта тизими орқали камраб олиш даражаси 44 фоизни ташкил этиб, аҳолига турли ижтимоий ёрдамлар (ижтимоий нафақалар орқали) кўрсатиб келинмоқда.

Материал ва метод. Аҳолини ижтимоий суғурта тизими орқали камбағалликдан чиқариш ва фаровон турмуш тарзини амалга ошириш доимо далзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, хозирги давом этаётган пандемия шароити ижтимоий суғурта

масаласи глобал муаммолардан эканлигини кўрсатиб, бу борада кўплаб илмий ва амалий изланишлар олиб борилиши кераклигини тақозо этмоқда. Хусусан:

Хорижий мамлакатларнинг етук олимлари Заҳин Ансари, Мосаб И. Табаш, Асиф Акҳтар, Самар Ҳ. Қҳан, Эбраҳим Моҳаммед Ал-Матари[1] “Хусусий бозорнинг номукаммаллиги бутун дунё бўйлаб ижтимоий суғурта кўламини кенгайтиради. Ижтимоий суғурта ишлаб чиқилган ҳетерожен хавфлардан ҳимоя қилишни таъминлаш. Фаровонлик шароитида истеъмолчининг ижтимоий суғуртага бўлган талаби оптимал сиёсатни камраб олиш заруратидан келиб чиқади.


Худди шундай, давлат аралашуви суғуртани осонлаштиради, номукаммал ахборот ва маънавий хавф таъсирини камайтириш орқали бозорни шакллантиради” деб таъкидлашган. Г.Такасс[2] “Ижтимоий суғурта ва бемор харажатларининг вақт серияли таҳлили” номли илмий ишланмасида ижтимоий суғуртанинг тизимининг долзарб муаммолари ёритиб берилган.

Дармаван К Ҳ, Сатиби С, Кристина С.А[3] “Ижтимоий соғлиқ суғуртаси учун тўловга тайёрлик ва аҳоли орасида туғилган омиллар” номли мақоласида ўз фикр мулоҳазаларини келтириб ўтган. Тобиас Лаун, Жоҳанна Валлениус[4] “Ижтимоий суғурта ва пенсия: давлатлараро истиқбол” номли мақоласида ижтимоий суғурта турлари ва молиялаштириш асослари тўғрисида келтирилган. Минас Влассис, Стефанос Мамакис, Мариа Варватаки[5] “Солиқлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва декларацияланмаган меҳнат бирлашган олигополия” илмий ишланмаларда ушбу тадқиқот иши ўрганиб чиқилган.

Мамлакатимиз соҳа олимларидан А.В.Вахабовнинг таъкидлашича, нодавлат пенсия жамғармаларининг ўзига хос моҳияти шундан иборатки, бошқа турдаги пенсия тизимларида жамғарилган маблағлар пенсия олувчиларга ҳеч қандай қўшимча фоиз устамасиз қайтариб берилади. Нодавлат тизимда эса, жамғарилган маблағлар пенсия олувчилар учун маълум миқдорда фоиз ставкаси асосида эгаларига қайтарилади. Жамғарилган маблағларнинг қай даражада ошиб бориши ва унинг кўпайиб бориш босқичларига пенсия жамғармаси ва миждоз томонидан танланган инвестиция таклифлари сабабчи бўлади[6]. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Абдурахмоновнинг таъкидлашича, жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шундай нодавлат пенсия жамғармалари иқтисодиётни

ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган экан, у бугунги кунда кўплаб ислоҳотларни ўтказётган юртимизда ҳам келгусида ана шундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини истисно этмайди[7].

Натижалар. Миллий ижтимоий суғурта тизимини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у табиий равишда иш ҳақи, солиқ тизими, ижтимоий сиёсат ва меҳнат бозори ҳолати, амалдаги демографик вазият ва унинг истиқболи билан боғлиқ бўлади. Муаллиф фикрига кўра ижтимоий суғурта тизимини шаклланиши қатор омиллар, яъни пенсия ва бошқа суғурта тўловларини тарифи, ходимларни даволаш ва соғломлаштириш бўйича хизматлар сифати ва ҳажми билан боғланмас экан, мамлакатда самарали ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш мураккаб кечади.



1-расм. Ижтимоий суғуртанинг шакллари¹

¹ Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ижтимоий хатарларни суғурта қилиш ҳар бир муайян даврда тўпланган маблағлар ҳажми суғурталовчилар олган мажбуриятларга мос келади. Тўловлар бериладиган нафақа билан тушумлар нисбатидан ошиб кетиши мумкин эмас. Ижтимоий хатарларни суғурталаш назарияси ва унинг асосида ўрнатиладиган қонун-қоидалар етарли даражада аниқлик билан қандай бир марталик тўловлар ёки даврий тўловлар амалга оширилиши мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

1-расм маълумотларидан кўришим мумкинки, ижтимоий суғурта

шакллари туркумларга бўлинади. Ижтимоий суғурта тизимидан амалга ошириладиган пенсия суғуртаси (ёшга доир пенсия ва нафақа, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ва нафақа, ногиронлик бўйича пенсия ва нафақа), тиббий суғурта, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касаллигидан суғурталаш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси (касаллик бўйича оналик, бола парвариши), ишсиздик нафақалари доимий тарзда ушбу қатлам вакиллари ижтимоий ҳимосини таъминлаб келмоқда.

1-жадвал

2016-2022 йилларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича айрим турдаги ижтимоий нафақалар миқдори ва ўзгариши (млн.сўм)²

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	Дафн этиш учун нафақа	87618,7	101171,3	132400,0	139200,0	145142,0
2.	Бола туғилгани учун бир марталик нафақа	189,9	239,0	337,8	369,9	395,7
3.	Ҳомиладорлик ва туғиш учун нафақа (бюджет ташкилотлари учун)	263896,6	238992,5	342917,3	385000,0	428730,0
4.	Кам таъминланган оилаларга нафақа	80145,8	162172,0	212297,1	367517,7	521792,3
5.	14 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақа	297525,0	441671,0	649503,0	1277220,8	2042032,4

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2018-2022 йиллар давомида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бериладиган нафақаларнинг миқдори ошиб бориш тенденциясига эга. Дафн маросими учун нафақа 2018 йилда 87618,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 145142,0 млн.сўмни ташкил этди. Таҳлил қилганимизда ушбу нафақа миқдори 2022 йилда 1,6 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Бола туғилгани учун бир марталик нафақа 2018 йилда 189,9 млн.сўмни, 2022 йилда эса 395,7 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу нафақанинг 2022 йилда 2,1 баробарга ўсган. Дафн маросими ва бола туғилганда бериладиган нафақаларни 2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджет харажатлари таркибига киритилган. Бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга бериладиган ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган нафақалар миқдори 2018 йилда 2263896,6 млн.сўмни, 2022 йилда эса 428730,0 млн.сўмни ташкил этган. Бу фақатгина бюджет ташкилотларида ишловчи оналар учун берилган. Хусусий секторда ишлаётган оналар учун эса бу нафақа тўланмаган. Хусусий секторда ишлаётган аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йил учун давлат бюджетидан 200,0 млрд.сўм субсидия тўлаб бериш учун ажратилди. Кам таъминланган оилалар учун ажратиладиган нафақа 2018 йилда 80145,8 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса 521792,3 млн.сўмни ташкил этмоқда. Ушбу нафақа тури 2022 йилда 7,4 баробарга ошган. 14 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақалар 2018 йилда 294666,8 млн.сўмни, 2022 йилда эса 2042032,4 млн.сўмни ташкил этмоқда. 2022 йилда бу кўрсаткич 6,5 баробарга ошганини

кўрсатмоқда. Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар ўз самарасани бермоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ёрқин ифодасини кўришимиз мумкин.

Ижтимоий суғурта тизими орқали амалга ошириладиган ёшга доир нафақалари аҳолининг 38 фоизга яқини ва 65 ёшдан ошган қарияларнинг 85 фоизини қамраб олмоқда. Камбағал оилаларни моддий ёрдам билан қабраб олиш даражаси 29 фоизни ташкил этмоқда. Олиб борилган тадқиқот натижаларимизга кўра камбағал деб топилган хар учта шахслардан биттаси хар қандай ижтимоий ёрдамларни олмоқда. Пандемия ҳолатида, мамлакатимизда Совид-19 таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган иқтисодий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида бир қатор ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари қабул қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги қўшимча харажатларни қоплаш ва ишсизликнинг ўсишига қарши курашиш учун қўшимча ресурслар билан биргаликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор тадбирларни кенгайтириб, айниқса кичик ва микрофирмаларга солиқ имтиёзлари берилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан банд қилганда ижтимоий солиқ суммаларини қайтариб бериш каби давлат дастурлари ишлаб келмоқда. Пандемия даври бошлангандан ҳозирга қадар ҳукуматнинг ўндан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, иқтисодиётига қарийб 30 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 5,9 фоизи миқдорида маблағлар ажратилди.

Сўнгги пайтгача ижтимоий ҳимоя тизими асосан ижтимоий суғурта, пенсия ва маълум даражада кам таъминланган



оилаларга нафақалар беришга йўналтирилган эди. Шундай қилиб, меҳнат бозоридаги аралашувларга, шу жумладан ишсизлик нафақаси, малака ва вақтинчалик иш билан таъминлашга камроқ эътибор қаратилиб келинмоқда эди. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, хусусан, Давлат корхоналарини қайта қуриш, ушбу янги ишсизлар учун малака ошириш ва уларни ўқитиш учун қўшимча манбаларни талаб қилади. Аксарият болаларнинг миллий ижтимоий ҳимоя тизимидан четлаштирилиши улар ривожланишининг орқада қолишини англатади ва келажакдаги ишчи кучининг сифатига салбий таъсир қилади. Кўришиб турибдики, ижтимоий четга қолишнинг асосий сабаблари ресурсларнинг етишмаслиги, лойиҳаларнинг мақсадли ва манзилли амалга оширилмаганлиги. Ижтимоий таъминот аҳолининг аксарият қисми учун имконсиз бўлиб қолиши бу катта ташвиш уйғотмоқда. Меҳнатга лаёқатли шахсларнинг тахминан 50 фоизи норасмий секторда фаолият олиб боришмоқда, бу эса уларнинг ижтимоий суғурта тизимларида қатнашмаётганликларини билдиради. Ижтимоий суғурта тизимига жалб қилишни кенгайтириш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Бунга эса норасмий секторда банд бўлганларни, уларнинг мавқеидан қатъий назар, ижтимоий суғурта дастурларини кенгайтириш ва шу билан бирга бандликни расмийлаштириш бўйича параллел ҳамда келишилган сиёсий ҳаракатлар қилиш орқали эришиш мумкин.

Ижтимоий суғурта жамғармаларига иш берувчи ва ишчи ходимнинг иштирок этишлари турлича. Таҳлил қилинаётган мамлакатларнинг аксариятида ижтимоий суғурта жамғармаларининг энг каттаси бу пенсия жамғармаси ҳисобланади. Иш берувчи ва

ишчи ходимларнинг ҳам энг юқори тўлайдиган суғурта бадаллари ҳам пенсия жамғармалари ҳисобига тўғри келади. Озарбайжон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина, Германия, Жанубий Корея давлатларида ижтимоий суғурта жамғармалари учун иш берувчи ва ишчи ходим биргаликда иштирок этади. Арманистон, Грузия, Россия ва Ўзбекистон каби мамлакатларда эса фақатгина иш берувчи белгиланган ижтимоий солиқларни тўлайди. Юқоридаги жадвалда ижтимоий солиқларнинг қайта тақсимланишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилгача ижтимоий солиқни тўлашда иш берувчи ва ишчи ходимлар биргаликда иштирок этиб келишган. Аҳолини реал даромадини ва турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ишчи ходимларнинг иштироки бекор қилинди. Ижтимоий солиқларни юқори фоизда тўлаётган мамлакатларда иш берувчилар ушбу тўловни тўлашдан қочиш учун янги иш ўринлари яратишмайди. Бизни мамлакатда эса иш берувчиларни рағбатлантириш мақсадида агарда иш берувчи йигирма беш ёшгача бўлган "ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни бандлигини таъминласа молия йилининг сўнгида улар учун тўланган ижтимоий солиқ суммалари иш берувчиларга қайтариб берилади.

Ижтимоий суғурта тизимининг асосий бўғинларидан бири бу мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғуртада имкониятлар яратиладики, у нафақат аҳоли қатлами саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиёт соҳасидаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси, бюрократизм, коррупция, кадрлар тақчиллиги, навбатда туриш ва ҳоказо)ни ҳам ижобий томонга ўзгартиришга замин яратади.

Шу боис тиббий суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор тиббий суғурта тизими аҳоли саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Республикамизда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш мақсадида жорий йилдан тизимнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда ушбу тизимни 2021 йилдан жорий этиш бошланади ва

биринчи навбатда, йирик ташкилотларда мажбурий суғурта таъминланади.

Тиббий суғурта механизмининг амал қилиши суғурта муносабатлари иштирокчиларининг макро ва микродаражадаги ўзаро муносабатлари жараёнидир. Ушбу механизм ўз ичига суғурталашни амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини олади. Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улушини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон ихтиёрий тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши³


Йиллар	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловлари (млрд.сўм)	Суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши (%да)	Олдинги йилга нисбатан ўсиш (+) ёки камайиш (-) (%да)
2018	9,3	7,3	77,7	0,7
2019	18,0	10,7	59,3	-18,4
2020	19,5	11,4	58,4	-0,9
2021	23,9	15,4	64,5	6,1
2022	28,4	20,5	71,3	6,8

³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон тиббий суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши 2020 йилга келиб, 2019 йилга нисбатан 6,1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, йиғилган суғурта мукофотларининг ярмидан кўпи, суғурта қопламалари учун тўлаб берилган.

Пенсия ва нафақа олувчилар сони 2021 йил бошига нисбатан (4,7%) фоизга

кўпайган бўлиб 2021 йил давомида 327,5 минг нафар фуқароларга янгидан пенсия ва нафақалар тайинланган. Шундан, 215,1 минг нафарига (65,7%) ёшга доир пенсия, 29,9 минг нафарига (9,1%) ногирон шахс сифатида пенсия, 19,6 минг оилага (6%) боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва 62,9 минг нафарига» (19,2%) нафақалар белгиланган. 2021 йил кўрсаткичларини 2020 йил билан таққосланганда 57,9 минг нафар ёки 21,5% кўпроқ фуқароларга пенсия ва нафақа тайинланган [21].



2-расм. Ялпи ички маҳсулот ва Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ҳажми (трлн.сўм)⁴

⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган www.mf.uz

2-расм маълумотларидан кўринадики, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромадлар ҳажми 2012 йилдан 2019 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2019 йилдан бошлаб суғурта бадалларининг бекор қилиниши жамғарманинг умумий даромадларини 23% камайишига олиб келди. Пенсия жамғамасининг харажатларининг, 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даромадларга нисбатан ўсиш тенденцияси паст бўлган. 2020 йил пандемия даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарурати жамғарма харажатларининг ошишига таъсир этган. Даромадлар ва харажатлар ўртасидаги дефицит эса давлат бюджетидан қоплаб берилганлигини қайд этиш лозим.

Мунозара. Ҳар бир мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий суғуртаси ўзининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий йўлидан ўтди, аммо уларнинг ривожланиши учун қўйилган вазифаларнинг барча ўхшашлиги билан уларни ҳал қилиш усуллари ва ёндашувлари сезиларли даражада фарқ қилади. Ижтимоий суғурта давлат ижтимоий сиёсатининг асосий қисмидир. Мамлакатда ривожланган ижтимоий суғурта тизими фуқароларга самарали ҳимоя механизмларини тақдим этади ва шу билан биргалликда иқтисодий барқарорликни таъминлайди ва жамиятда ижтимоий бирдамлик муҳитини яратади. Бугунги кунда бир-биридан тузилиши билан ҳам, молиялаштиришнинг турли усуллари билан ҳам фарқ қилувчи турли хил ижтимоий суғурта тизимлари мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бу муаммони ҳал қилишда маблағлар оқимини тахмин қилиш оғир кечади, бунда ижтимоий тўловлар муддати 30 йилдан 50 йилгачани ташкил этса, пенсия тўлови

муддатлари 20 йилдан 30 йилгача даврни ўз ичига олади, яъни умр кўриш давомийлигига қараб инobatга олиниши керак. Бу қадар узок муддат (50-80 йил) давомида келтирилган кўрсаткичларга қатор омиллар таъсир кўрсатиши мумкин, жумладан, иш ҳақи фонди ва инфляция даражасининг ўзгариши, пенсионерларнинг ишчиларга нисбатан мутлақ сони ва нисбати каби. Шуни таъкидлаш жоизки, пенсия тизимларининг эволюцияси уларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларига, мамлакат миллий меҳнат бозори ва иш ҳақи тизимларини ривожланишига, демографик ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, ушбу кўрсаткичлар пенсия таъминоти тизимига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Таксимланувчи пенсия таъминоти тизими ривожланишига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омиллардан бири бўлиб, ижтимоий тўловларни тўлашда қуйи ва юқори чегараларнинг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, таксимланувчи пенсия таъминоти тизими амалда бўлган деярли барча мамлакатларда пенсия ҳисобланишида ўртача олинган даромаднинг юқори чегаралари билан чеклаш миқдорлари жорий этилган.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий суғурта нафақалари орқали аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

1. Ижтимоий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи иқтисодий адабиётларда келтирилган таърифларни қиёсий таҳлил қилиш асосида, бизнингча, қуйидаги таъриф унинг моҳиятини очиб беришга тўлароқ хизмат қилади: аҳолининг



ижтимоий-моддий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий жиҳатдан ҳимоялаш орқали ҳар ҳил ижтимоий рисклардан ҳимоялаш ижтимоий суғурта деб юритилади.

2. Ижтимоий суғурта тизимини асосий ифодаловчи белгилари; биринчидан аҳолининг турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қўмилиб қолган аҳолини ижтимоий таъминот билан ўзликсиз таъминлашни англатади; иккинчидан эса ижтимоий рисклардан мақсадли ҳимоялаш тизимини яратиш яъни ижтимоий соҳа хизматлари билан кенгроқ қамраб олиш, соғлиқни сақлаш тизими билан, таълим тизими ва бошқалар; Учинчидан эса ривожланаётган мамлакатларга ҳос бўлган моделлар орқали давлат бюджетидан ҳамда аҳолининг ихтиёжларини қондиришдан ортиб қолган маблағлар ҳисобидан камбағаллик билан курашаётган оилаларни турмуш фаровонлиги яхшилашга йўналтиридан иборат бўлиши керак. Аҳолининг камбағаллик билан курашаётган қисмини маблағ тўланадиган мавсумий ишларга жалб этиш орқали фаровонлиги таъминлаш йўналишларини кўриб чиқиш лозим.

3. Ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштиришнинг институционал асослари, пенсия ва ишсизлик нафақаси ҳамда давлатнинг ижтимоий суғурта тизимидаги нафақаларини ўрганиш ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштиришнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади. Шунингдек:

4. Мамлакатда давлат ташкилотларида (бюджет ташкилотларида) ишлаётган оналар

фарзандли бўлганларида хомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаси берилади, аммо хусусий секторда (хусусий корхоналар, фирмалар, микрофирмалар, бизнес юритишда) фаолият юритаётган аёллар фарзандли бўлишларида ушбу нафақани тўлаш тизимини жорий этиш лозим. Хусусий сектордаги оналарни ҳам моддий жиҳатдан ҳимоялаган бўлинадди;

5. Ёшга доир, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини таянч пенсия миқдорини ҳисоблаш тизими фуқароларнинг меҳнат қилиб олаётган ойлик даромадларига мос тарзда ҳисобланмайди. Яъни мамлакатда амалдаги тартиб бўйича пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорини ўн икки баробаридан камида 15-16 баробарга ошириш лозимлиги тадқиқот натижаларида кўриниб қолмоқда;

6. Амалдаги тартиб бўйича ногирон фарзанди ёки ногирон ота-онасига қараган шахсларга ногиронга қараган муддатини пенсия ҳисоблаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг фикримизча ногирон фарзандга ёки ногирон болага қараганларга моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан келиб чиқиб ногирон шахсга қараганлиги учун (парваришlash) нафақасини жорий этишни лозим деб биламиз.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Zahin Ansari, Mosab I. Tabash b, Asif Akhtar, Samar H. Khan, Ebrahim Mohammed Al-Matari. Identifying and ranking the driving forces of social insurance by analytical hierarchy process: evidence from India. Heliyon. journal homepage: www.heliyon.com. (ScienceDirect).
2. Takacs G. A Time Series Analysis of Social Insurance and Patient Costs of Reimbursed Medical AIDS in Hungary. National Institute of Pharmacy and Nutrition, Budapest, Hungary.
3. Darmawan KH, Satibi S, Kristina S.A. Willingness to pay for social health insurance and factors born among the population. www.scopus.com
4. Tobias Laun, Johanna Wallenius. Social insurance and pensions: an interstate perspective. Review of Economic Dynamics.
5. Minas Vlassis, Stefanos Mamakis, Maria Varvataki. Taxes, social security contributions and undeclared labor are combined oligopolies. Economics Letters.
6. Galkina E.V., Jiltsov E.N., Ivanovlar A.N. Literature on the pension system.
7. Far D. Insurers and other participants in insurance activities.
8. Verden E. "Insurance cooperatives and share payments".
9. Вахабов А.В. ва бошқалар «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси»: Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018, 400б.
10. Абдурахмонов Қ.Х. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик.Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418-б.,
11. Вахабов А.В. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Тошкент 2017.
12. Умурзаков Б.Х. Ижтимоий ҳаёт ва демографик босимлар. Мақола. "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил декабр сони.
13. Ражабов Ш. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш: Автореферат. Т.: Иқтисод-молия, 140 б. 2019 йил.
14. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. Т.: Иқтисод-молия, 200 б. 2019 йил.
15. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг веб сайти www.undp.com
16. Бутунжаҳон меҳнат ташкилотининг веб сайти www.ilo.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
18. Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Аҳолини ижтимоий жихатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш механизминини такомиллаштириш. Монография. Тошкент: Университет, 2020 йил.
19. An assessment of the social protection system in Uzbekistan, Based on the Core Diagnostic Instrument (CODI). A joint report by ILO, UNICEF, and the World Bank. (ISBN9789220321263 (print), 9789220321270 (web PDF)) Moscow, Russia: International Labour Organization, 2020. – P. 10.
20. Доклад о Целях в области устойчивого развития. Организация Объединенных Наций. – Нью Йорк, 2019. – С. 21-23. (<https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019-Russian.pdf>).
21. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/22/pension/>